

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

3-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>М.Ҳайдаров</b> Ўзбекистон ССРдаги ижтимоий муаммолар: ишчилар норозилигининг сабаблари ва моҳияти.....	101
<b>Т.Ахмедов</b> Фуқаролар фаоллигини оширишда телевидениенинг ўрни.....	106
<b>Ғ.Раҳмонов</b> Мустақиллик йиллари Ўзбекистон сув ҳўжалиги тизимида амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг натижалари.....	110
<b>С.Ахмедов</b> Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва Мажмаи баҳрайн” асари темурийлар давридаги маданий-маърифий жараёнлар тавсифи бўйича қимматли манба сифатида.....	115
<b>Р.Расулова</b> Туркистонга татар “сафарбарлик”лари хусусида .....	121

АДАБИЁТШУНОСЛИК

<b>А.Сабирдинов, Д.Муратова</b> Ўзбек-корейс халқ оғзаки ижодида оила ва оилавий қадриятлар масаласи .....	126
<b>Э.Жабборов</b> Ўзбек миллий адабиётида маърифатпарварлик қарашларнинг такомиллашуви.....	131
<b>Б. Абдураҳмонова</b> “Қутадғу билиг” асарининг вазн хусусиятларини ўргатиш.....	138

ТИЛШУНОСЛИК

<b>Ғ.Хошимов, Н.Комилова</b> Турли тизимли тилларда “Гендер” концепти ва уни воқелантирувчи воситалар майдонининг қиёсий тадқиқи .....	144
<b>Н. Умарова</b> Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида “Олтин” концептининг фрейм структураси.....	149
<b>Г.Розиқова</b> “Девону луғотит турк”да сўз маъносининг метонимия асосида кўчиши.....	155
<b>А.Базарбаева</b> Инглиз тили дарсликларидида машқлар тақдимотининг назарий асослари .....	160
<b>Д.Рахматуллаева</b> Шарқ мутафаккирларининг ғоялари ва “Илм-маърифат” семемали бирликлар.....	164
<b>Б.Баҳриддинова</b> Замонавий ўқув луғатларининг таркибий тузилмаси хусусида.....	167
<b>Н.Суярова</b> Оламнинг лисоний тасвири ва “Белги” денотатив семали метафораларнинг шаклланиши .....	172
<b>Б.Сулаймонов</b> «Теорема» романининг лексикографик тадқиқи.....	176

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>Ф.Тошпўлатова</b> Чет тилини ўрганиш учун ўқув материалларини танлаш ва ишлаб чиқиш тамойиллари .....	180
<b>Г.Саидова</b> Бошланғич синфларда инновацион технологияларни қўллашнинг шакл ва воситалари .....	184

ИЛМИЙ АХБОРОТ

<b>Л.В.Гормонов, Б.З.Зарипов, А.А.Грудков, В.А.Каримов</b> Физиологик шароитларда каламушларнинг ингичка ичагида озуқа
---

УДК:

## НАВОИЙНИНГ “САДДИ ИСКАНДАРИЙ” ДОСТОНИДА “ОЛТИН” КОНЦЕПТИНИНГ ФРЕЙМ СТРУКТУРАСИ

### ФРЕЙМОВАЯ СТРУКТУРА КОНЦЕПТА “ЗОЛОТО” В ПОЭМЕ НАВОИ “СТЕНА ИСКАНДЕРА”

#### FRAME STRUCTURE OF THE CONCEPT "GOLD" IN NAVOI'S POEM "ISKANDER'S WALL"

<sup>1</sup>Н. УмароваН. Умарова<sup>1</sup>

ФарДУ, тилшунослик кафедраси доценти.

**Аннотация**

Мазкур мақолада Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида қўлланган “олтин” концептининг фрейм структураси ҳақида фикр юритилади. Дастлаб концепт атамаси ва у билан боғлиқ тушунчалар назарий жиҳатдан қисқача шарҳланади. Сўнг достонда қўлланган “олтин” концептосфераси ташкил этувчилари ҳақида сўз юритилади, фикрлар асосланади.

**Аннотация**

В данной статье рассматривается фреймовая структура концепта “золото” в поэме Алишера Навои “Стена Искандера”. Вначале даётся краткий теоретический обзор термина концепт и связанных с ним понятий. Затем рассматриваются и обосновываются составляющие концептосферу “золото” употреблённые в поэме.

**Annotation**

This article examines the frame structure of the concept “gold” in Alisher Navoi's poem “Iskander's Wall”. First, a brief theoretical overview of the term concept and related concepts is given. Then we consider and substantiate the “gold” concept sphere used in the poem.

**Таянч сўз ва иборалар:** концепт, когнитив тилшунослик, концептосфера, фрейм, креатив аттрактор, тасаввуф, семантика.

**Ключевые слова и выражения:** концепт, когнитивная лингвистика, концептосфера, фрейм, креативный аттрактор, мистика, семантика.

**Keywords and expressions:** concept, cognitive linguistics, conceptosphere, frame, creative attractor, mysticism, semantics.

Алишер Навоийнинг “Хамса” достони юзасидан П.Шамсиев, С.Ҳасанов, Б.Муртазоев, М.Нарзикулова (“Сабъаи сайёр”), Т.Аҳмедов, Х.Маматқулова (“Лайли ва Мажнун”), А.Каримов, С.Эркинов (“Фарҳод ва Ширин”), Ф.Набиев (“Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”), С.Хидирназаров (“Ҳайрат-ул аброр”), Ж.Раҳимов, А.Эркинов, Н.Ғаффоров, Д.Раҳмонова, А.Ҳайитов, М.Муҳиддинов, Н.Ғанихўжаева (“Хамса”), М.Ҳамидова, И.Салимов, А.Эркинов (“Садди Искандарий”) сингари етук олимлар тадқиқотлар олиб борган.

“Хамса”нинг бешинчи қисми – “Садди Искандарий” достони асосида олиб борилган асосий тадқиқотлар сифатида Афтондил Эркиновнинг “Алишер Навоийнинг пейзажи яратиш маҳорати (“Садди Искандарий” достони мисолида)” мавзусидаги номзодлик ишини, Мавжуда Ҳамидованинг “Алишер Навоий “Садди

Искандарий” достонининг илмий-танқидий матни” мавзусидаги докторлик ишини, Имом Салимовнинг “Алишер Навоийнинг бадиий образ яратиш маҳорати” мавзусидаги номзодлик ишини кўрсатиш мумкин. Шундай бўлса-да, бугунга қадар “Садди Искандарий” достонининг луғавий-концептуал хусусиятлари алоҳида тадқиқот объекти сифатида танланмаган.

Тилшунослар концепт тушунчасини турлича талқин этадилар ва бу талқинлар бир-биридан у қадар фарқ қилмайди, аксинча концепт таърифини тўлдиради. Тил илмида “концепт фикрни амалдаги ифода билан боғлайдиган асос когнитив моҳият”[1,36-44], шунингдек, “тил концептни шакллантирувчи ва ифодаловчи восита”[2,4-28] сифатида қаралади. Концептнинг “бир турдаги предметларнинг ноаниқ тасаввурини алмаштирадиган аниқ фикрий қурилма”[3,269] эканлиги; унинг тушунча “ўринбосари” бўлиши билан бирга, аввалги

ва юзага келаётган янги маънога ишора қилиши, шахснинг лисоний тажрибасига муносабат ифодалаш ва тил соҳиблари учун умумий бўлган концептосферани ҳосил қилишда қатнашиши эътироф этилади[4,282]. Хуллас, концепт бу бамисоли борлиқнинг онгдаги “қуйқа”си (Ю.С.Степанов), шу асосда борлиқнинг инсон ментал дунёсига кириб боришидир.

Когнитив тилшунослик концептни, умуман олганда, “онг ва билим, тажриба асосида пайдо бўладиган ахборот таркибидаги ментал ва психик ресурс; хотира, ментал лексика, концептуал система, мия тили; инсон онгда акс этган олам сувратининг мазмуний ва вазифа бажарувчи бирлиги”[5,90] сифатида тушунади.

Концепт аслида мазмуний зарра сифатида бутун бир фреймда сочилиб ётади, шу билан бирга, у ҳам ўз сферасига муайян қисмларни олади: концепт яхлитлик сифатида таркибий қисмлар ансамблидан иборат. Ҳар қандай умумийлик босқичма-босқич тармоқланиб ёки бирлашиб борадиган хусусийликлардан иборат бўлгани каби концепт ҳам ўз қисмларининг бирлашувидан ташкил топади. Бу қисмлар концепт билан биргаликда концептосферани шакллантиради.

Бадиий матндаги муайян концептосфера аъзоларига “креатив аттрактор” (В.А.Пишальникова) [6,58] сифатида ёндашув зарур. Зеро, креатив аттрактор бу доминант мазмун бўлиб, у матннинг яхлит ва бир бутунлигини таъминловчи барча унсурларни ўзига тортувчи марказий зона саналади.

Луғатларда таъкидланганидек, аттракция лингвистик элементларнинг бири-бирига ўзаро таъсир кўрсатишидир [6,59]. Бу таъсир концепт ва унинг ташкил этувчиларига ҳам тегишлидир.

Жумладан, қуйида биз таҳлил этаётган **олтин** концепти ўзбек тили соҳиблари томонидан “*таъбир*”, “*мажоз*”, “*рамз*”, “*комиллик*”, “*қон(ўлим)*”, “*поклик*”, “*ҳаяжон*”, “*муҳаббат*”, “*қўрқув*”, “*шодлик*”, “*туҳфа*” сингари ички ташкил этувчилар кўринишида тасаввур қилинади. Бу ташкил этувчилар, ўз навбатида, мустақил концептларни шакллантиришига қарамай, **олтин** концепти таркибида концептосфера

мақомига эга бўлади. Ташкил этувчилар гўёки, қадимий *ўтуш-ўтуш* халқ ўйинидаги болалар каби ҳалқа (давра) бўлиб ўтириб, бир бола ёнидаги болани туртиб, унга *ўтуш-ўтуш*[7,60] деганидек, яъни “ёнингдагини ҳам турт” қабилида концептосфера аъзолари ҳам бир-бирлари билан ўзаро таъсирланувчи ҳалқа ташкил этадилар ва концепт шаклланади.

Концептосфера концептнинг моҳиятини очиб берувчи фреймал структурага асос ва таянч бўлиб хизмат қилади. Масалан: *олтин – эврилиш(кимё ва тасаввуф нуқтаи назаридан)*, *олтин – комиллик*, *олтин – ўлчов*, *олтин – олий мақом*, *олтин – ўлим*, *олтин – поклик* каби. “Садди Искандарий” достонида Искандарнинг ўлим олди бетоблиги тасвирида олтин концепти фреймлари - таркиби – *эврилиш*, *комиллик*, *мақом ва ўлимдир*. Бу тақсимотни янада аниқлаштириш мумкин. Яъни *олтин* концептини гендер, ижтимоий, маънавий, моддий ва ҳатто жисмоний мезонлардан келиб чиқиб ҳар бир тил соҳиб янги когнитив сценарий асосида талқин қила олиш имкониятига эга. Масалан, Навоийнинг “Ҳайратул аброр” достонидаги *золи зар(тилла кампир)* фрейми олтин концептининг гендер хусусиятларини намоён этади. *Олтин* сўзининг гендер жиҳатдан хосланганлиги “Девону луғоти-турк” да *о́зук* сўзининг изоҳи (*о́зук* – хотинлар лақаби; соф, олтин каби тоза, пок хотин мазмунида *ك التون آز* - *алтун о́зук* дейдилар... Бу сўз чигил қабиласида қўлланади. Асли *о́з ук*, яъни “*худди ўзи*” *маъносида*)[7,66]да ҳам кузатилади. Олтин сўзининг шу ўринда юзага чиққан маъноси тасаввуф илмидаги олтин тушунчасининг моҳиятини ёрқинлаштиради. Сўфийлик йўлига кирган солиқнинг олий мақсади ҳам покланишдир. Маънавий ва руҳий покликка эришишдир.

Ижтимоий-маънавий жиҳатдан эса сўфийлик таълимотидаги комиллик мақоми фрейм саналади. Ҳар бир концептнинг юзага чиқишида миллий, маданий ва бошқа, жумладан, гендер фарқлари билан ўзига хослик касб этади.

Искандар хаста вужуд билан от устида борар экан, аъзойи баданининг оғригидан пинҳоний инграр эди. У даштда шундай тез, шошқин ва жадаллик билан от сурар эдики,

унга ҳеч ким етолмас ва ҳамроҳлик қилолмас эди. Саратоннинг ёндирувчи ҳароратидан олам ўртанар, сувлар қайнар — жуга урар эди. Қуёш алангасидан ер шундай қизиган эдики, бу нарса ҳавони ҳам ҳаддан зиёда иситиб юборган эди. Иссиқнинг ўта зўрлигидаи ерлар ёнар, кишининг оёғи ерга тегса парт бўлар эди. Искандар ўз арғумоғини ортиқ чоптиролмай қолди, зеро, бу иссиқ, унинг бемор жисмидан тоб-тоқатини олган эди. У танасида қувват қолмаганини, юришга илож ва имконияти йўқлигини ҳис қилиб, отини тўхтатди ва шамол ўзини тупроққа ургандек, қизиб ётган кумлоқ устига ўзини таппа ташлади. Бетобликдан жисмида ҳарорат бўлгани ту-файли тамом аъзойи бадани титрар эди. Унинг остига бирон нарса солингунча туришга тоқати етмай, оғриқнинг зўридан ўзини ерга ташлади. Ўша ерда бир эски кўҳа (қадимги уруш асбобларидаи бири) бор эди, уни ёзиб, Искандарни ўшанинг устига олиб ётқизишди. Ҳаммаёқ жазирама офтоб бўлиб, у чўл ҳаддан зиёда қизиб кетган эди. Шу сабабдан бемор устига кимдир ўз қалқонини соябон қилди. Бу саркарданинг қалқонини ясаган уста уни бошдан-оёқ олтин суви билан зийнатлаган экан. Шоҳ бир замон ўзининг тақдири ҳақида фол очдирганида, ҳаётининг ниҳоятида, яъни ўлими олдида, унинг ётган ери темиру, осмони — олтин бўлажagini толеъ аҳкомида ўқиган эди. Дарҳақиқат, шоҳ ҳозир ўзининг ётган ери темиру осмони олтин бўлганини кўриб, ишнинг бошқача эканини фаҳмлаб қолди ва беихтиёр кўзидан аламли ёш тўкиб, ана шу ёш билан жонидан кўлини ювиб, ҳаётдан умидини узди:

*Тушуб эрди бир кўҳа, очти ани, Узолди ҳамул кўҳа узра тани/ Чу беҳад қизимиш эди ул ёбон, Биров қилди қолқон била соябон. Магар айлагон ул сипаҳдорлик, Қилиб эрди қолқонни заркорлик./ Ўқуб эрди шаҳ толеъ аҳкомида Ки, онинг ҳаётининг анжомида:/ **Темурдин ер, олтундин ўлғай само,** Анга бўлғач ул ики суратнамо/ Ки, арзи темур, чархи олтун эзур, Яқин билдиким, иш дигаргун эзур. / Кўзидин тўкуб ашк қайғу била, Илик ювди жонидин ул су(в) била. [СИ]*

Искандар ўлими воқелиқларининг саратон ойига тўғри келишида ҳам рамзийлик бор. Саратон ҳам тасаввуфий истилоҳ. Бу истилоҳ сўфийликда шундай

талқин қилинади: "... алданиш юртида, саратон ойида Нишопурда қор сотган одам каби фиғон чекканимизда борлиқ қорининг баҳоси тушиб, гуноҳ офтобининг олов ҳароратидан эрий бошлаганда, молимизнинг баҳоси қайтадан кўтарилмоғи, умид косаларимизнинг тўлмоғи учун биз – қор сотувчилар қандай чорани ахтармоғимиз керак". Буни Маҳмуд Кошғарий сўзлари билан бошқа бир тарзда талқин этиш ҳам мумкин: "Ошиқ дили куйиб, қони қуриб, оғзини очиб куларди. Ишқ уни эритиб юборар даражада бечоранинг юзларини сарғайтирарди. Аламли ошиқ одамлар наздида оғзи очик кулгили кўринса ҳам, ишқ унинг дилини ёндирган, қонини қуритган, чеҳрасини ачинарли ҳолда сўлдирган эди"[8,125]. Бу ҳолни сўфийлардаги билишнинг 3 босқичидаги сўнги босқич билан изоҳлаш мумкин бўлади[9,198-199].

Тасаввуфнинг 3 босқичи – шарият, тариқат ва ҳақиқат сўфийлардаги билишнинг 3 босқичига мувофиқ тушади. Биринчиси – ишончли билимлар, яъни "илм-ул-яқин". Уни шундай ташбиҳ ила изоҳлашади: "Менга неча бор исбот этишган, гарчи тажрибамда синаб кўрмаганман, аммо яхши биламан, оғу заҳарлайди, олов куйдиради". Бу одатдаги мантиқий билиш босқичи эди.

Иккинчи босқич – тўлиқ ишонч, "айн-ал-яқин". "Мен ўз кўзим билан кўрдим, оғу заҳарлайди, олов куйдиради". Бу тажрибага суянган билиш эди.

Ниҳоят сўнги босқич – комил ишонч, "ҳақ-ал-яқин". "Мен ўзим оғу ичиб, оловда ёниб кўрганман, ишонч ҳосил этдимки, оғу заҳарлайди, олов куйдиради". Ҳақиқат босқичига мос бўлиб тушувчи бу босқичда сўфийларнинг фикрича, субъектнинг объект билан, кузатувчининг кузатилувчи билан тугал қўшилиши, бирининг иккинчисига сингиб кетиши юзага чиқади.

Юқорида дostonдан келтирилган мисолда олтин Искандар ўлими билан боғлиқ воқелиқларда "мақом ва рутба" (бу маъноларга Искандар очдирган фол ҳам ишора қилади) семантик заррасига мос. Дostonдаги хитойлик подшоҳнинг туҳфаларидаги олтин эса тасаввуфий талқинда "сиртмоқ", "атлас мато", яъни "ифво севгиси" сингари фрейм структурасига эга: "...қандайдир одобсизлик қилган бўлса керакки, унинг оёқларига тамға босиб, олтин, кумуш, жавоҳирлар билан боғланлар. У

ҳам ўша боғга(сиртмоққа) кўнгил бериб ошиқ бўлганидан кумушу олтин ишқида ҳалиги сиртмоқни боғ деб ўйламайди. Энди унга минг насиҳат қилма, барибир ўша боғи ўгитингдан ҳам қувватли бўлиб қолаверади”. Олтиннинг бу каби талқини қуйидаги фикр


учун ҳам хос: “Бу мусофирхонанинг бор давлати, атлас матоси – тиниб-тинчимас жонга биргина тилло занжирдир. У олтин занжирни кўрибоқ алданди”[10.32]. Яъни олтин бу ўринда “иғво севгисидир”.

### Олтин



**олий мақом(рутба) ← сўфийлик таълимотида → сиртмоқ, иғво севгиси**

Тадқиқ этилаётган “олтин” тил бирлигининг маъносини одатда лисоний белги(1), когнитив тузилма(2) ва референт(1) ўртасидаги 3 тарафлама муносабат узвийлигида таҳлил қилиш лозим. Буни Огден Ричард(“Тилшунослик назарияси”) учбурчаги мисолида тушунтириш мумкин:



Шаклнинг юқори қисмига жойлашган лисоний белги референт(воқелик) билан когнитив жараён маҳсули – тушунча ёки концепт орқали боғланади.

Бир қарашда Искандарнинг ўлимидан олдин остига тўшалган кўҳа ва қуёш нуридан соябон тарзида фойдаланилган олтин билан ишлов берилган қалқон шунчаки воқелик сифатида таассурот уйғотади. Бироқ бунинг замирида бошқа бир маъно бор. Тасаввуф таълимоти бўйича илоҳий ишқ инсонни камолотга эриштирадики, бу камолот қалай ёки мисни олтинга айлантирадиган алкимёнинг айнан ўзи. Искандар денгиз саёҳати давомида Тинч океани тубига шиша сандиқда тушиб, у ердаги ғаройиботларни кузатар экан, шу ўринда унга ғайб сирлари аён бўлади. Сув остида турган ҳолда Искандар ер юзининг сувдаги жилвасини кўради. Бу ҳолни Навоий набийлик ва валийлик билан тенглаштиради. Достоннинг дастлабки мисраларида ҳам бунга ишора қилинган ўринлар мавжуд:

*Чу Ҳақ айлаб ул нурни шамъи жамъ,  
Анинг нуридин ёрутуб жамъи шамъ.  
Бу машъал чу ўз шуъласин ёрутуб,  
Русул шамъи андин ёруғлуқ тутуб.  
Демайким русул, ҳар неким топти*

руҳ,

*Бу кибритдин борча топиб футуҳ.  
Не кибрит, гугурди аҳмар ҳам ул.  
Не гугурд, иксири акбар ҳам ул.*

*Вужудингдин айлаб қазо кимё,  
Мисин олтун айлаб бори  
анбиё.(СИ,12-б.)*

Русул гугурдин иксири акбар, яъни камолга эришган улуғ зот (пирнинг) назари, таъсири (бу ўринда пайғамбаримизнинг назарлари); ва яна фавқулудда таъсир кучига эга бўлган ишқ, ошиқликдан вужудидаги қазо кимёси боис мисдан олтинга айланган Искандар ўлими олдин тагига тўшалган кўҳа ва қуёш нуридан соябон бўлган олтин қалқон шунчаки муайян воқеликка доир ашёлар сифатида таассурот уйғотса-да, бироқ бунинг замирида бошқа бир маъно бор. Тасаввуф таълимоти бўйича илоҳий ишқ инсонни камолотга эриштирадики, бу камолот қалай ёки мисни олтинга айлантирадиган алкимёнинг тасаввуфий талқинига айнан мос келади.

Шу ўринда матндаги айрим сўзлар изоҳи анланаётган маънога маълум даражада ойдинлик киритади. Жумладан, байтлардаги муҳим лексик birlikлар *кибрит, гугурди аҳмар* ҳамда *иксири акбар*. Сўзларнинг “НАЛ”даги изоҳларига эътибор қаратамиз.

**Кибрит** – олтингургурт, гургурт(НАЛ, 311-б.)

**Гугурди аҳмар** – қизил гургурт(НАЛ, 162-б.)

**Иксири акбар** – а. 1.Мис, қалай каби қиймати паст маъданларни олтинга айлантириш ҳамда барча касалликларни даъф қилиш хосиятига эга деб ишонилган

фаразий кимё “илми”; 2. Камолга эришган улуғ зот (пирнинг) назари, таъсири; 3. Фавқулодда таъсир кучига эга бўлган нарсалар. Масалан: ишқ, ошиқлик. (НАЛ, 162-б.)

Ажал исканжасидаги хаста Искандар жисмининг кучли иситмада ёниши алкимё синоатларидандир. Искандар валий сифатида руҳий камолотга эришиши, қазо кимёсидан вужуди мисдан олтинга айланиши учун ана шу иситма оташида товланиши ва бу билан қазо кимёсидаги сўнги жараёни босиб ўтиши лозим эди. Ана шунда том маънода миснинг олтинга айланиш хоссаси намоён бўлади. Яъни “*Не кибрит, гугурди аҳмар ҳам ул, Не гугурд, иксири акбар ҳам ул*” боис эди. Шу ўринда Навоий семантик такрорнинг климакс туридан фойдаланади. Шоир маънони куйи даражадан юқори даражага томон кучайтириб ифодалайди, яъни: бу *олтингугурт(кибрит) ҳам эмас, қизил гугурт(гугурди аҳмар) ҳам эмас, балки иксири акбардир.*

Иксир – мис, қалай каби қиймати паст маъданларнинг хосиятини ўзгартириб, олтинга айлантира оладиган фаразий модда, эликсир. Маж. Фавқулодда таъсир кучига эга бўлган туйғулар, инсоннинг руҳий-маънавий ҳаётини тубдан ўзгартирадиган нарсалар – пири комилнинг иноят назари, фақру фано, маърифат ва муҳаббат маъноларида қўлланилади (*Фақир кўйи туфроғиким, улдир иксири ҳаёт, / Жон бериб кўз ёритурча олсанг, олмишсен учуз//Бадоеъул-васат, № 219*)[11,208]

Абу Али ибн Сино “Ал - Қонун” китобида кимёгарларнинг олтин металллардан олтин олиш ғояси борасидаги хатоларини илмий жиҳатдан асослаб беради. У оддий металллардан нодир металллар, жумладан, олтин олиб бўлмаслигини биринчи бўлиб амалда исбот этган.

Ирфон аҳли кимёни икки тур – зоҳир кимёси ва ботин кимёсига ажратганлар. Зоҳир кимёсида етти маъдан хосияти 7 сайёра ҳаракатига(кумуш – Ойга, симоб – Зухрага, олтин – Қуёшга, темир – Миррихга, қалайи- Муштарийга, сурб – Зухалга) боғлиқ ҳолда ўрганилади. Кимёгарларнинг ақидаси бўйича, иксир(эликсир) моддаси туфайли қиймати паст маъданлар ўз хосиятини ўзгартириб, олтинга айланиши мумкин.

Аммо маъданларнинг табдил бўлиш усул ва қоидалари табиий қонун-қоидаларга мувофиқ амалга ошмайди. Балки бу сир фақат маъданларнинг самовий хусусиятларини билган кишиларгагина насиб этади[11,236].

Айни шу жиҳат тасаввуфда кимёи ботин тушунчасининг ривожланишига олиб келган. Тасаввуф аҳли наздида *ҳиммат, карам, муҳаббат, ризо, шукур, қаноат* каби сифатлар кимё мисоли инсон вужудини турли иллат, ғашлардан поклаб, кайҳоний ва руҳоний жиҳатларини ривожлантиради. Навоий асарларида Искандар шахси воқелигига оид *олтин* луғавий концептини тасаввуфдаги кимё нуқтаи назаридан идрок этиш бу концепт хусусиятларини тўлақонли акс эттиради.

Ҳазрати Румий томонидан сирларнинг андак қисми рамзий йўл билан тушунтирилишига кўра[10,159-160], Ҳақ таоло ақлни ломакандан, ғайб асроридан – борлиқ яланглиги, мукаррамлик кўеши ила порласин учун майдонга келтиргач, мавжудотларга унинг моҳиятини, кўнглидаги ҳайратангиз, гўзал ва мислсиз нарсаларни билдирмоқ муродида юксалтиб уни бутун борлиқ – яратиклардан танлаб олишни ихтиёр этади. Бу олтин тангани ўзга маъданлар билан қоришмагани, тоза, бенуқсонлигини аниқламоқ ва муомалага чиқармоқ учун бир маҳақ тоши лозим. Айни пайтда, тошнинг гувоҳлиги билан бирга, бу муқаддас танга – латиф эҳсоннинг оғирлигини ўлчамоқ учун битта тарози ҳам керак бўлади. Ун саккиз минг оламда бирор нима йўқки тарозисиз даражаси аён бўлсин ёхуд тортилмаёқ расолиги англашилсин. Бозор ва дўконларда осиглиқ турган тарози эмас бу. Тарози ҳақнинг бир далили, сиридир. Илмдан вужудга келган закодир бу. Руҳоний тарозидир – самодан меросдир у. Дунёдаги жами тарозиларни шу тарози майдонга келтирган.

Агар ана шу жиҳатларга эътибор қаратиладиган бўлса, Искандар остига тўшалган кўҳа ва устидаги соябон бўлган қалқон қайсидир маънода тасаввуф нуқтаи назаридан руҳий камолотга эришган инсон сифатларига ўлчов бўлган тарозига ишора ҳамдир.

Олтин луғавий концепти семантикасида манбаларда келтирилганидек, *қон* фрейми ҳам

борлигини кўриш мумкин. Айти шу ўринда олтин моддийлик тушунчасини-да намоён этади. Жумладан, “Девону луғоти –т-турк”да Маҳмуд Кошғарий *оға* сўзининг семантикасини ёритишда Искандар Зулқарнайн ҳаёти билан боғлиқ бир воқеани келтиради. Унда айтилишича, Зулқарнайн Чинга келиб етганда турклар хони урушиш учун ёш йигитлардан иборат бир гуруҳ аскарни йўллади. Вазир шоҳга айтадики: “Сиз бутунлай ёшларни чақирдингиз, аслида катта ёшли, уруш ишларида тажрибаси бор одамларни юбориш керак эди”. Шунда шоҳ тўғри дейди ва катта ёшли кишиларни йўллади. Улар кечаси Зулқарнайннинг олдинги аскарларига ҳужум қиладилар ва уларни енгадилар. Турк аскарларидан бири Зулқарнайн аскарларидан бирини қилич билан уриб киндигигача иккига ажратиб юборади. Ўлган аскарнинг белбоғида олтин ҳамён бор эди. Ҳамёнга қилич тегиб кесилади. Ундан қонга бўялган олтинлар ерга сочилади. Эртаси эрталаб турк аскарлари қонга бўялган олтинларни кўриб,

бир-бирларига “бу нима?” дейишар ва *التن قان* *алтун қан* – “қон ва олтин” деб айтишар эди. Бу жойдаги катта тоғ шу исм билан аталади. Уйғурлар яқинидаги бу тоғ атрофида кўпгина саҳройи турклар яшар эдилар. Шундан сўнг Зулқарнайн турк шоҳи билан сулҳ тузди[7,78-79].

Саҳройи турклар ўзлари билмаган ҳолда *қон* сўзини *олтин* лексемаси билан бирга қўллаб концептнинг фрейм структурасини янги қисм билан бойитган эдилар.

Инсоннинг билиш қобилияти қудратли куч, инсон идрок эта олмайдиган объектнинг ўзи бўлмаса керак. Лекин билиш ҳеч қачон абсолютликка интилмайди, референт (воқелик)лар ранг-баранг, унинг заҳираси (тушунча ва концептлар) тинмасдан бойиб боради ва инсон ушбу бойликни ўз тажрибасида ўзлаштиришга, билишга, билганларини ахборот ташувчи ҳолатига келтирилган нутқий тузилма сифатида адресатга етказишга тинимсиз интилади.

#### Адабиётлар:

1. Залевская А.А. Психолингвистический подход к проблеме концепта // Методологические проблемы когнитивной лингвистики. – Воронеж: Изд-во Воронеж.ун-та, 2001.
2. Попова З.Д. Стернин И.А. Очерки по когнитивной лингвистике. – Воронеж: Изд-во Воронеж.ун-та, 2002.
3. Аскольдов С.А. Концепт и слово // Русская словесность. От теории слоесности к структуре текста: Антология / Под ред. проф. В.П. Нерознака. – М.: АCADEMIA, 1997.
4. <sup>1</sup>Лихачев Д.С. Концептосфера русского языка // Русская словесность: Антология. – М.: АCADEMIA, 1997.
5. Краткий словарь когнитивных терминов / Е.С. Кубрякова, В.З. Демьянков, Ю.Г. Панкрац, Л.Г. Лузина. – М., 1966.
6. Нурмонов А., Раҳимов А. Лингво-синергетикага кириш. – Т.: Академнашр, 2013. – Б.58.
7. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғоти-т-турк. Туркий сўзлар девони. I жилд. –Т.: Мумтоз сўз, 2016.
8. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғоти-т-турк. Туркий сўзлар девони. II жилд. –Т.: Мумтоз сўз, 2016.
9. Радий Фиш. Жалолиддин Румий. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016.
10. Жалолиддин Румий. Етти мажлис. Мажолиси сабъа. – Т.: Янги аср авлоди, 2019.
11. Алишер Навоий. Қомусий луғат. – 1-жилд. – Т.: Шарқ, 2016.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)